Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 131 (5422)
12 ИЮНЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА— ЗАРБДОР СУРЪАТ

Маркамиз шарафи

«Меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш ҳисобига 280 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Маҳсулот таннархини 0,5 процентга камайтириш натижасида 138 минг сўмлик материаллар тежалади».

(Кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг 1984 йилги социалистик мажбуриятларидан).

Бирлашмамиз фидокорлари серқуёш диёримизнинг шонли юбилей йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Йил бошидан то ҳозирга қадар социалистик мусобақани кенг авж олдириб, муборак сана шарафига бутун имкониятларни ишга солиб келяпмиз. Ўтган беш ойлик муддат қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб этишга шунча имкон яратади. Пландаги 12 миллион 203 минг сўмлик ўрнига 12 миллион 88 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди.

Корхонамизда ҳар йили маҳсулотларнинг янги моделларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, мавжуд турларини такомиллаштиришга катта эътибор берилади. Бунда биринчи навбатда харидорларнинг талаб-эҳтиёжи ҳисобга олинади. Масалан, бу ерда тайёрланадиган сумкаларни олиб кўрайлик. Уларнинг кўриниши қанча замонавий бўлса, харидорга шунча хуш келади. Шуни инобатга олган ҳолда «Янгилик» индекси билан олти хил сўмкани ишлаб чиқаришга жорий этдик. Беш ой давомида 675 минг сўмлик ўрнига 705 минг сўмлик ана шундай маҳсулот тайёрланди.

Менинг ўзим корхонанинг бешинчи —қўлқоплар тайёрланадиган цехида тикувчи бўлиб ишлайман. Цехимизда эркаклар ва аёлларга мўлжалланган қўлқопларнинг ўнлаб хиллари тайёрланади. Республика юбилейи шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада коллективимиз фаол иштирок этмоқда. Бу ҳаракат ўтган ойда айниқса юксак самара берди. Ишчиларимиз 530 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлишди. Бу пландагидан 11 минг сўмлик кўпдир.

Шу ўринда илғорлар ҳақида бир-икки оғиз илиқ гап айтгим келди. М. Комилова, М. Юсупова, З. Тенякина, М. Мўйдинова, Ф. Турсунова, С. Байрамова, В. Комарова, М. Саидова сингари ишчилар социалистик мусобақада бошқаларга ибрат бўлишмоқда. Бу жонкуярлар «Бир ойлик план—ўн беш кунда» шиори остида меҳнат қилиб, республика юбилейини беш йиллик топшириқни уддалаш билан пешвоз олишга аҳд қилишган. Уларнинг ҳар бири ўхшаш касбларда бемалол меҳнат қила олади. Бу эса ўз навбатида самарадорликка эришишда катта ёрдам бермоқда. Зеро, коллективимизнинг юбилей йилидаги салкам 30 миллион сўмлик марраси биздан фақат ғайрат билан меҳнат қилиб, юқори унумдорликка эришишни талаб этади.

С. ЯҲЕЕВА,
кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси 5-цехи ишчиси, корхона партия комитети аъзоси.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган эркакларнинг кўйлак типидаги жемпери, спорт машқлари учун мўлжалланган шимлар, хотин-қизларнинг жемпери, болалар пижамаси, жакет ва бошқа 16 хил буюм давлат Сифат белгиси билан тайёрлаб чиқаришга киришилди.

Фахрли беш қиррали белгини олган бу маҳсулотлар 1984 йил модасининг йўналишларини ҳисобга олган ҳолда пишиқ материаллардан тайёрлаб чиқариляпти.

Ҳозирги пайтда корхонанинг кўпгина поток линияларида олий категориядаги сифатли буюмлар тайёрланяпти. Шундай қилиб корхонада беш қиррали белги олган маҳсулот турларининг умумий сони 88 та бўлди.

К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ америкалик журналист Ж. Кингсбери-Смитнинг саволларига жавоблари

Савол. Р. Рейган маъмурияти тақдим этган ва 1985 молия йили ҳарбий бюджети ҳисобидан пул билан таъминлаш мўлжалланган ҳарбий программаларни кўриб чиқиш чоғида АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси башарти СССР ва бошқа мамлакатлар космосда йўлдошга қарши қуролни синашдан воз кечган тақдирда Американинг мана шундай қурол синовларини ўтказишга маблағ ажратишни тақиқлайдиган тузатиш қабул қилди. Мана шундай овоз берилиши туфайли СССР ҳукумати АҚШ билан ўзаро асосда йўлдошга қарши қуролнинг синовларини яна бир йил ёки ундан кўпроқ вақт тўхтатиб қўйишга рози бўлурмиди?

Жавоб. Чамаси, вакиллар палатасидаги бу овоз бериш америкалик қонун чиқарувчиларнинг қуролланиш пойгаси космик фазога ёйилиши эҳтимолидан хавфсираётганликларини акс эттиради. Бундай хавфсираш учун ҳамма асослар бор. Ҳозир масала бундай тарзда турибди: ёки космос ҳарбийлаштирилишининг олди олинади ёки у бутун инсоният бошидаги даҳшатли хавф-хатар манбаига айланади.

Совет Иттифоқига келганда, у космос тинч бўлиб қола бериши учун изчиллик билан ҳаракат қилмоқда. СССР шу вазифа ҳал этилишига кўмаклашишга интилиб, ўтган йилиёқ ўз ташаббуси билан зиммасига йўлдошга қарши қуролни космик фазога чиқармаслик мажбуриятини олган эди, бошқача қилиб айтганда, бошқа давлатлар, шу жумладан АҚШ ҳам ҳар қандай турдаги йўлдошга қарши қуролни космосга чиқармай турган ҳамма вақт ичида мана шундай қуролларни учиришни ўз ташаббуси билан тўхтатиб туришни жорий этди. Бу мажбурият йўлдошга қарши қуролни синаш мақсадида учиришларни ҳам ўз ичига олиши равшан.

Совет Иттифоқи эълон қилган бу тадбир амал қилиб келмоқда. Шу билан бирга бу тадбир нақадар фойдали бўлмасин, йўлдошга қарши қуролни учиришни тўхтатиб туришни бу қуролни батамом тақиқлаш, жумладан ҳозир мавжуд бўлган мана шундай системаларни ҳам тугатиш йўлидаги биринчи қадамгина, деб ҳисоблаймиз. Айни шу боисдан ҳам биз Қўшма Штатларга бу хусусда бир битимга келиш учун расмий музокараларни ҳеч кечиктирмай бошлашни таклиф қилаяпмиз.

Совет Иттифоқининг бу масала хусусидаги конкрет таклифлари яхши маълум. БМТга аъзо бўлган кўпчилик давлатлар бу таклифларни қўллаб-қувватламоқдалар. Фақат АҚШ ҳукумати қарши чиқмоқда.

Савол. Йўлдошга қарши қуролнинг синовлари тўхтатиб қўйилганини самарали тарзда назорат қилиш мумкин бўлурмиди ва агар мумкин бўлса, қай йўсинда?

Жавоб. Йўлдошга қарши қуролнинг синовлари тўхтатиб қўйилганини аввало томонларнинг ихтиёридаги миллий техникавий воситалар билан назорат қилиш мумкин ва бу назорат жуда пухта бўлади. Совет Иттифоқи бунга аминдир. Кўпгина таниқли америкалик экспертларнинг баёнотлари ҳам шу хулосани тасдиқлайди. Томонлар орбитада ҳаракат қилувчи йўлдошга қарши қуролни тўхтатиб қўйиш хусусидаги тадбирга риоя этиши устидан самарали контролликни томонлар ихтиёридаги космик объектларни кузатиш воситалари самарали равишда таъминлаши мумкин бўлур эди. То орбитал ҳаракатдаги йўлдошга қарши системаларга келганда, юқорида тилга олинган воситалардан ташқари Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқининг қуруқликда, дунё океанида ва космосда жойлаштирилган бошқа радиоэлектрон воситаларни ҳам жалб этиш мумкин бўлур эди. Ноаниқ вазиятларда ўзаро ахборот айирбошлаш ва маслаҳатлашиш мумкин бўлур эди. Зарурат туғилган тақдирда бошқа формаларни ҳам топиш мумкин.

Самарали ечимларни топишдан ҳақиқий манфаатдорлик бўлган тақдирда ишга ва шу жумладан контрол масалаларига тааллуқли ҳар қандай масалаларни Совет Иттифоқи таклиф қилаётган йўлдошга қарши қурол хусусида ва умуман космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик хусусида ўтказиладиган музокаралар чоғида бемалол ҳал қилиш мумкин бўлур эди.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: ҳали космик қурол жойлаштирилмаган бир пайтда, космок қуролланиш пойгаси соҳасида оқибатлари қандай бўлишини айтиш қийин бўлган жадаллик содир бўлмаган бир пайтда шу масалалар юзасидан зудлик билан бир битимга келиш керак. Эртага кеч бўлиши мумкин.

Космосдаги қуролланиш пойгасини чекловчи битимлар устидан назорат қилиш «имкони йўқ» деган баҳонани аввал бошданоқ кўрсатиб, бу соҳада ҳар қандай самарали музокараларни истисно қилишга интилаётган кимсалар ҳарбий устунлик олиш умидида космосни ҳарбийлаштириш йўлини ўтказиш имкониятини қўлга киритиб олишни қасддан кўзлаб иш юритмоқдалар.

Шуни очиқдан-очиқ айтиб қўяйки, бу — ҳам истиқболсиз, ҳам хатарли йўлдир. Башарти бу йўл бирон бир натижага олиб борадиган бўлса, бу натижа уруш хавфини кескин кучайтиришдангина иборат бўлади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Тинч космосни сақлаб қолиш учун зудлик билан самарали чоралар кўриш керак. Совет Иттифоқи батамом шу йўлнинг тарафдоридир.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Ўзбекистонда Совет — Тунис дўстлиги кунлари ниҳоясига етди. Совет — Тунис дўстлиги байрами вақтида Тошкент, Самарқандда Тунис маданият арбоблари билан учрашувлар бўлди, этнографик рақс ансамблининг концертлари муваффақият билан ўтди.

— Биз Совет Ўзбекистони билан бу учрашувларни совет халқи билан тунис халқи ўртасидаги дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги муҳим бир босқич деб биламиз, — деди делегация бошлиғи — Социалистик Дустур партияси сиёсий бюросининг аъзоси Тунис шаҳри мэри Закария бин Мустафо. — Мамлакатимиз халқи Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсатини юксак қадрламоқда. Биз Совет мамлакати араб мамлакатлари халқларининг эҳтиёжларига эътибор бераётганлиги учун, Фаластин халқининг ўз ҳуқуқлари йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаётганлиги учун ундан миннатдормиз. Мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантириш, ирригация иншоотлари шахобчаларини кенгайтириш соҳасида бизга ёрдам бераётган Ўзбекистон мутахассисларидан миннатдормиз. Ўзбекистон каби бизнинг мамлакатимизда ҳам деҳқончилик сунъий суғоришга асосланганди.

11 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов Тунис Республикасининг делегациясини қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбатда Тунис Республикасининг СССРдаги элчиси Муҳаммад Ҳабиб Гераб қатнашди.

(ЎзТАГ).

Улуғ Пушкинга бағишланади

Ўзбекистонда анъанавий пушкинхонлик ниҳоясига етди. Бу йилги пушкинхонлик улуғ рус шоири туғилган куннинг 185 йиллигига бағишланди.

11 июнь куни Тошкентда А. С. Пушкинга бағишланган байрамнинг якунловчи кечаси бўлиб ўтди. Кечада ёзувчилар, олимлар, санъат усталари, шеърият мухлислари сўзга чиқдилар. Улуғ шоирнинг асарлари — ўзбек тилига таржима қилинган шеърлари, поэмалар, драмалардан парчалар ўқилди ва намойиш этилди. Республика адибларининг рус диёри даҳоси тўғрисидаги илҳомбахш сатрлари янгради. (ЎзТАГ).

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ—РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИГА

3. «ЯШИЛ КОНВЕЙЕР»—АМАЛДА

Бугунги кунда бизнинг олдимизда дон, техника экинлари етиштиришда ва халқни озиқ-овқат маҳсулотлари, аввало, гўшт, сут, мева ҳамда сабзавот билан таъминлашда яна ҳам юксакроқ марраларга эришиш вазифаси турибди.

(Ўртоқ К. У. Черненконинг агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгашида сўзлаган нутқидан).





«Ўзбексельмаш» маҳсулоти қишлоқ меҳнатчиларига яхши таниш. Кўсак чувиш машиналари, тупроққа гербицидлар сочувчи сеялкалар самарали ишлатиляпти. Корхона коллективи қишлоқ хўжалик техникасини мунтазам такомиллаштира бориб, хўжаликларни зарур жиҳозлар, эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга интиляпти.

Қишлоқ меҳнатчилари ҳам ишчилар олдида қарздор бўлиб қолишаётгани йўқ. Улар ишчилар синфини турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашяпти. Буларнинг ҳаммасида Ўроқ ва Болға иттифоқи дўстлиги алоҳида куч билан намоён бўлмоқда. Дўстлик янги қирраларга эга бўлиб, йил сайин мустаҳкамланмоқда. Мана бу йил ҳам дўстлик янгича форма билан бойиди. Деҳқонлар саноат корхоналари коллективларига сабзавотларни бевосита етказиб беришга қарор қилишди.

Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоздан «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳар куни дала неъматлари етказиб беріляпти. Ана шу ўзига хос «яшил конвейер» колхозчиларнинг жонбозлик кўрсатишлари туфайли аниқ ва узлуксиз ишлаяпти. Файзи Мираъзамов бошчилигидаги 7-бригада деҳқонлари мўл ҳосил етиштирдилар. Далаларда бодринг, карам, кўк пиёз териш қизғин олиб бориляпти. Терилган маҳсулот тезда савдо тармоқларига жўнатиляпти.

— Бригадамиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбурият олди,— дейди бригадир. — Тошкентликларга сархил маҳсулот етказиб берамиз. Ҳар гектар ердан 30 тоннадан бодринг, 35 тоннадан карам, 25 тоннадан кўк пиёз йиғиштириб олишни режалаштирганмиз.

Карл Маркс номли колхознинг 5-бригадасида ҳам иш яхши кетаяпти. Ҳосил йиғим-терими жадал олиб бориляпти. Бригада бу йил 1200 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга аҳд қилган. Ҳозирнинг ўзида белгиланган марра анча ошириб бажарилади дейиш мумкин. Тошкентликларга 500 тонна карам, 100 тонна пиёз, 20 тонна саримсоқ пиёз жўнатилди. Ҳали далаларда ҳосил мўл.

— «Ўзбексельмаш» коллективини сабзавот билан мўл-кўл таъминлаш учун барча ишларни қиламиз,— дейди 5-бригада бригадири Исматхўжа Саъдуллахўжаев. — Меҳнатда муносиб ибрат кўрсатаётган ишчи ва хизматчилар учун дала неъматлари етказиб бериш биз учун шарафли ишдир.

Ана шу сўзлар чин дилдан айтилганига кейинги куни завод сабзавот магазинида бўлганимизда ишонч ҳосил қилдик. «Ўзбексельмаш» меҳнатчилари тушликка чиқишган пайтда пештахталар Карл Маркс номли колхозда етиштирилган ранг-баранг неъматлар билан тўла эди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги яқин алоқалар амалда ана шундай намоён бўлмоқда. Бу алоқа мустаҳкамланаётгани ва ривожланаётгани кувончлидир.

А. ХАТАМОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: далаларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти оби-тобида «Ўзбексельмаш» бирлашмасига етказиб беріляпти.

Т. Каримов фотоси.





АЛОҚАЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

У. ИСМОИЛОВ,
«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

Бизни Тошкент районидаги меҳнатчилари билан, чунончи Карл Маркс номли колхоз билан мустаҳкам дўстлик алоқалари бирлаштириб турибди. Биз деҳқонларга машиналар ва эҳтиёт қисмлар етказиб беряпмиз. Ишчи ва хизматчиларимиз сабзавот ва меваларни йиғиштириб олишда қатнашишяпти, жиҳозлар, техникани ремонт қилишда ёрдам кўрсатишяпти.

Колхозчилар ҳам қўл қовуштириб туришгани йўқ. Улар йил бўйи бизни дала неъматлари билан таъминлашяпти. Мана, айни кунларда бирлашма сабзавот магазинига карам, пиёз, саримсоқ пиёз, лавлаги ортилган машиналар келиб турибди. Бундай ғамхўрлик кишилар меҳнати самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Биз фахр билан айтишимиз мумкинки, корхона коллективи деҳқонлар олдидаги ўз бурчини муваффақиятли уддалаяпти. Шу йилнинг беш ойлик якунларига кўра, планга қўшимча 375 минг сўмлик қишлоқ хўжалик машинаси реализация қилинди, ана шу кўрсаткич бўйича ўсиш суръати 115 процентни ташкил этди. Бундан кейин ҳам коллективимиз куч ва ғайратини аямайди. Ўроқ ва Болға иттифоқини мустаҳкамлайверади.

Р. АКБАРОВ,
Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

Пойтахт областининг илғор хўжаликлари бу йил Тошкентдаги йирик саноат корхоналарининг коллективларини ўз оталиқларига олишди. Сабзавот ва меваларни даладан бевосита заводларнинг магазинларига етказиб беришини йўлга қўйишга қарор қилинди. Бизнинг колхозда олдимизга қўйилган вазифани бажаришга зўр иштиёқ билан киришилди. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Чунки бизни шаҳар билан яқин дўстлик алоқалари боғлаб турибди.

Донгдор «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчиларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни ўзимиз учун фахрли ва масъулиятли бурч деб ҳисоблаймиз. Сабзавот ва мевалар етказиб бериш графиги ишлаб чиқилди. Биз бу графикка қатъий амал қиляпмиз. Зеро, дала неъматларининг сифати ва турларига алоҳида эътибор беріляпти.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент область Советининг 11 июнь куни бўлиб ўтган сессиясида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов доклад қилди.

Депутатлар умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотининг асосий йўналишларини рўёбга чиқариш тадбирларини ва бошқа бир қанча масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

МАКЕДОНИЯДА—СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ КЎРГАЗМАСИ

Бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Ана шу улуғ санага тайёргарлик кўриш бўйича Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси коллективига ҳам масъулиятли вазифалар юкланган. Октябрь ойига қадар «Ўзбекистон ССР 60 ёшда» деб номланган кўргазмалар СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида ва республикамиз бош кўргазмасида ташкил этилади. Худди шу номдаги кўчма кўргазма Латвия, Литва ва Эстония Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаларида намойиш этилади.

БУГУН

«Ўзбекистоннинг экономикаси, фани, техникаси ва маданияти 60 йил ичида» деб номланган тематик кўргазма Македониянинг Скопье шаҳрида очилади. Кўргазманинг фотомонтаж, диаграмма ва схемалари серқуёш диёримизнинг совет ҳокимияти йилларида қўлга киритган ютуқлари, халқ хўжалиги тармоқларининг тараққиёти ва меҳнат аҳлининг шижоати ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазмада Ўзбекистон пойтахти Тошкент ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган. Экспозицияларда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографчиларининг VIII Халқаро кинофестивали, уч қитъа ёзувчиларининг конференцияси, Ўзбекистонда бўлиб ўтган Япония, Монголия ва Македония кунлари каби оламшумул аҳамият касб этган анжуманлар кенг ёритилган.

М. ОТАБЕКОВА,
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг ахборот маркази бошлиғи.

тонгги газеталарда

● Омманинг меҳнат ғайратига, кенг ижодий ташаббусига таяниш — беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш гаровидир. Республика касаба союз активининг 11 июнда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида шу ҳақда гапирилди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ССР касаба союз ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларидан ва ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этдилар. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова доклад қилди.

● Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар мутахассисларининг 11 июнь куни Тошкентда очилган илмий-техникавий кенгашида 1986—1995 йиллар даврида иссиқлик ва атом электр станциялари учун катта қувватли градирнялар лойиҳалаш ва қуриш проблемалари муҳокама қилинмоқда. Кенгашда Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Польша, Румыния, Чехословакия ва Совет Иттифоқи лойиҳачилари ҳамда энергосозларининг делегациялари иштирок этмоқда.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

СССР халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Ўрол Тансиқбоев туғилган куннинг 80 йиллиги муносабати билан республика Рассомлар союзининг марказий кўргазмалар залида санъаткор асарларининг кўргазмаси очилди. Унда намойиш этилаётган 400 га яқин картиналар орасида Нукус Давлат музейи фондидан олиб келинган экспонатлар ҳам бор.

●

«Швейцария — СССР» маданий алоқалари уюшмасининг бош секретари Коллет Фондермюль бошчилигидаги Швейцария туристлари группаси Тошкентга келди. Меҳмонлар республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш жамиятида қабул қилиндилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18—23, кундузи 33—38 даража иссиқ бўлади.

ҲАМЖИҲАТЛИК ШАРОФАТИ

Ўша куни ойна кесиш цехи одатдагидан кўра файзлироқ бўлди. Ҳамкасблари, шогирдлари ойна кесувчи Маҳкам Худойбергановнинг мана шу цехда меҳнат фаолиятининг бошланганига 20 йил тўлиши билан чин қалбдан қутлашга тўпланишди.

Бунинг устига яна бир қувончли хабар ҳам эълон қилинди: Маҳкам Худойберганов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси беш йилликнинг тўртинчи йили бешинчи ой план ва мажбуриятларини ортиғи билан адо этиб, социалистик мусобақада ғолибликни қўлга киритишибди.

— Яхши ниятларинг хотирангда қанча мустаҳкам бўлса, унга шунча тез эришасан, деб таълим беради, ёшларга Маҳкам ака.

Мана, бугун ҳам у одати бўйича ишга вақтлироқ келди. Коржомасини эндигина кийиб, цех томон йўл олган ҳам эдики, Тоир билан Виктор корхона ҳовлисидан шошиб кириб келишди. Маҳкам ака улар билан қучоқ очиб кўришиб турганида цех остонасида бир йигит пайдо бўлди.

— Э, келдингми ука,— деди смена бошлиғи йигитга қараб, сўнг М. Худойбергановга юзланди:

— Маҳкам ака, кеча мен сизга айтган йигит. Исми Анвар. Совет Армияси сафида хизматни ўтаб қайтибди. Кеча биз бафуржа суҳбатлашган эдик. Шогирдликка оламиз. Биз билан сизни уялтирмайдиган йигитга ўхшайди,— деди кулимсираб ва ўзи ташқарига чиқиб кетди. Сал вақт ўтмай яна цехга қайтиб кирди.

— Маҳкам ака, — деди қувониб, —ниятимиз холис одамизда, ишимиз тўхтамайди, ана юк машинасида контейнер келди. Тезроқ туширib олайлик.

У цехдаги ҳамма ишчиларни ёрдамга чақирди. Ёш ишчи Анвар биринчи кун—иш фаолиятини контейнердаги ойналарни тушириб олишдан бошлади. Шу кундан бошлаб, устоз янги шогирдига иш ўргата бошлади.

—Чарчаб қолмайсанми, ука? Ишимиз жисмоний меҳнат талаб қилади.

— Йўқ,—кулди Анвар.

—Мана, бу ойна 27—28 килограмм келади. Агарда бир кунда 50 дона ойна қирқадиган бўлсак, ҳисоблаб кўр-чи, қанча килограмм юк кўтарган бўламиз? Салкам бир ярим тонна. Ишимиз ана шунақа, — деди Маҳкам ака фахрланиб...

Орадан кўп вақт ўтмай, Анварнинг ўзи ҳам мустақил ишлай бошлади. Ўни бошқа цехга ишга олишди.

Тиришқоқ шогирднинг ўша кезлардаги саволлари Маҳкам акани донмо ўйлантириб юрар эди. Бу муаммоли саволлар унинг ўзига ҳам тинчлик бермасди: «Ҳақиқатан ҳам», нега ойна чиқиндилари шаҳар чеккасидаги ахлатхонага олиб бориб ташланади. Ўни эритиб, қайта ишлаб фойдаланиш мумкин эмасмикин?! Ёки қурилиш ташкилотлари хом ашё сифатида фойдаланишса бўлмасмикин?! Ахир бир кунда қанчадан-қанча ойна синиқлари цехлардан фабрика ҳовлисига олиб чиқиб ташланади?! Яшик-яшик чиқиндилар баъзан анча вақтгача жойни эгаллаб, хира бўлиб ётади. Бунинг устига юк машиналари овора, ҳар йилни тонна-тонна ёқилғи, мой сарф қилинади. Нега тежамкорликка, иқтисод қилишга унча эътибор бермаймиз. Тўғри, ойнани иқтисод қилишда цехимиз ишчилари эндиликда бир мунча яхши натижаларга эришмоқдалар», дея ўзига-ўзи таскин берди у. «Аввалларига бир лист ойна ишлаб чиқарилганда жуда соз иш бўларди, — дейди Маҳкам ака. — Бу ҳақда мутасадди раҳбарлар ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Маҳкам Худойберганов етакчилигидаги ойна кесувчи бригада аъзоларининг меҳнатдаги ютуқлари сири — Тоир Мирзаев, Виктор Баринов сингари меҳнатсевар ёшлар аҳиллик билан, қўлни-қўлга бериб фидокорона ишлаётганидадир. Улар ҳамиша ишнинг самарадорлиги, сифати ҳақида қайғурадилар, муваффақиятнинг энг муҳим омили — партия ва давлат интизомига қатъий риоя қиладилар.

Меҳнат интизоми мустаҳкам жойда иш ҳамиша баракали бўлади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигига қарашли Тошкент ойнамебель фабрикаси шаҳримиздаги илғор корхоналардан саналади.

К. МИРЗААҲМЕДОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ИЧКИ РЕЗЕРВНИ ҚИДИРИБ

БУДАПЕШТ. Венгриянинг қишлоқ хўжалик кооперативларида дон, гўшт, сут, сабзавот етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда маҳсулот таннархини арзонлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Кўпгина хўжаликлар иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашнинг ички резервларини қидириб топиб, қимматли натижаларга эришмоқдалар.

Бизда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш кундалик вазифа бўлиб қолди, деб ҳикоя қилади Бекешедаги «Кершталь» қишлоқ хўжалик кооперативи раиси Тамаш Прохаска. Бизлар ҳар бир тармоқда маҳсулот етиштиришнинг тежамкорлигини текширамиз, меҳнатни оқилона ташкил этиб, қайта ишланган маҳсулот ҳиссасини ошириб, ерни ишлашда энергияни тежайдиган усулларни жорий этамиз, серҳосил уруғликларни танлашдаги резервларни қидириб топамиз.

Масалан, минерал ўғитни эритма шаклида қўлланиш маҳсулот таннархини арзонлаштиришга кўмаклашди. Ўғитдан эритма шаклида фойдаланиш бундай усул қўлланилганда ўғитдан юз процент фойдаланиш имконини беради. Турли экинларни парникларда етиштиришнинг тежамкорлигини текшириш иссиқсевар қизил қалампирни парникда етиштириш муддатини қисқартириш зарур деган хулосага олиб келди. Унинг ўрнига бир мунча паст ҳароратда ҳам яхши пишадиган помидорни кўпроқ етиштириладиган бўлдилар. Қиммат турадиган нефтни газ билан алмаштириш энергия сарфини икки баравар қисқартириш имконини берди.

Тежамкорликнинг ички резервларидан фойдаланиш натижасида, дейди Т. Прохаска, хўжаликнинг соф даромади, уч йил ичида 900 миллион форинтдан 22 миллион форинтга етди. Бизлар бу маблағлардан янги машинасускуналар сотиб олиш, кооператорлар н и н г ўсиб бораётган социалиқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланамиз.



Фотоахборот

Германия Демократик Республикаси. Берлиндаги машҳур «Фридрихштадтпаласт» эстрада театри ойна ва бетондан тикланган замонавий кўркам бинога кўчиб ўтди (юқоридаги сурат). Янги бино шаҳарнинг марказида, театрнинг эски биноси яқинида қад кўтарди. Эски бинонинг қурилганига юз йилдан ошган эди. Янги театрнинг асосий залн энг замонавий техника б жиҳозланган бўлиб, 1900 том га мўлжалланган.

Пастдаги суратда «Фридрих паласт» эстрада театрнинг кўринишн тасвирланган.

АДН—ТАСС фо





ЕРЕВАН. «Масис» бирлашмасининг маркаси мамлакатимизда кўнчиликка яхши танниш. Ҳар йили ана шу бирлашма фабрикаларининг конвейерларидан 60 минг жуфтдан зиёд эркаклар, хотин-қизлар ва болалар пойафзаллари туширib олинади. Бирлашма ўз маҳсулотлари ассортиментини муntазам янгилаб бормоқда. Ҳар йили бу ерда 500 га яқин модель ишлаб чиқаришга жорий этилади. Аксарият бежирим пойафзалларнинг янги моделларини ишчиларнинг ўзлари таклиф этишмоқда.

СУРАТДА: «Масис» фирмаси 2-фабрикасининг моделли пойафзалларини Марина Саркисян намойиш этмоқда.

А. Бадалян фотоси. (ТАСС).

Иқтисодий таълимнинг юксак самарадорлиги учун

ЎҚУВГА АҲАМИЯТ БЕРИШМАЯПТИ

Меҳнаткашларни и н г иқтисодий таълими бўйича шаҳар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни кенгаш раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг бош илмий секретари, иқтисод фанлари доктори, профессор И. И. Искандаров олиб борди.

«Ташсельмаш» заводининг бош экономисти, иқтисод таълими бўйича завод кенгашининг раиси Ф. Ф. Мельник меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш бўйича «Ташсельмаш» заводида олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига иқтисодий таълимнинг қандай таъсир кўрсатаётгани тўғрисида ҳисобот берди. Бу масалани муҳокама этиб, меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича шаҳар кенгаши шуни таъкидлаб ўтдики, заводда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган тадбирларни бажариш бўйича амалий ишлар олиб боряпти. Иқтисодий пропаганда ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширишда, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасида, кўп станокчилар сафини кенгайтиришда, аралаш касбларни тезлаштиришда, иш вақтини йўқотишни камайтиришда ва меҳнат ҳамда моддий ресурсларни тежашда кадрларнинг ролини оширишга қаратилган.

Айни пайтда эса заводда ишлаётганларнинг бор-йўғи 10 процентигина иқтисодий таълим системасида таълим оляпти. Фактлар шуни кўрсатиб турибдики, бу ерда иқтисодий таълимга аҳамият берилмаяпти. Корхонада иқтисодий таълим кабинети йўқ. Кўпчилик ишлаб чиқариш бўлинмаларида ўқув машғулотлари олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган.

Баъзи пропагандистлар, мактаб ва семинарларнинг раҳбарлари етарлича тайёргарликка эга эмаслар. Машғулотларни ўтказиш вақтида ўқувнинг актив формаларидан, кўргазмали қўлланмалардан ва таълимнинг техника воситаларидан фойдаланилмаётир. Уларнинг кўпларида шахсий ижодий план йўқ.

Меҳнаткашларни и н г иқтисодий таълими бўйича, шаҳар кенгаши завод кенгашига пропагандистларнинг методик маҳоратини такомиллаштириш, пропагандистик ишларнинг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва ёйиш масаласига муттасил эътиборни қаратишни тавсия этди. Иқтисодий пропаганданинг барча формаларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган тадбирларни бажариш учун ҳамма воситалардан фойдаланиш зарур.

Меҳнаткашларни и н г иқтисодий таълими бўйича шаҳар кенгаши 1984—1985 йиллар учун кенгашнинг перспектив иш планини иқтисодий таълим бўйича кенгашлар раисларининг, кабинет мудирлари ва консультантларнинг икки йиллик ўқув планларини тасдиқлади. Кенгаш энг яхши иқтисодий таълим кабинети учун шаҳар конкурси тўғрисидаги низомни тасдиқлади.

ШАҲАР ОҚИНДИСИ УЧУН ФИЛЬТР

Харьковлик олимлар ва мутахассислар ёмғир суви ва қор сувини тозалайдиган система яратдилар. Кўчаларни, майдонларни, саноат корхоналарининг территорияларини ювадиган шундай оқиндида лой, туз ва бошқа моддалар кўп бўлади. Масалан, Харьковда шундай оқинди бу ерда Лопань дарёсига тушадиган жами зарарли аралашмаларнинг 90 процентигача миқдорини келтиради.

Янги «Автопен—25» автомат қурилмаси шаҳар оқинди сувини махсус тиндиргич чонларда тозалайди. Шундан чиққан сув тазйиқ остида кўпик полиуретан ушоқ орасидан ўтади ва унинг майда ғовакларида нефть маҳсулотлари ва ҳар хил майда зарралар ушланиб қолади. Бундай фильтр бир неча йил хизмат қила олади. Кўпик полиуретан сув билан ювилса фильтрлаш қобилияти дарров тикланади.

Шаҳар автомобиль корхонасининг ходимлари автомобиллар ювинди сувини тиклаш имкониятига эга бўлиб, оқинди тозалаш янги методининг самарадорлигига қаноат ҳосил қилдилар. Саноат корхоналарида ҳам шундай комплекслар билан жиҳозлашга қарор қилинди. Шаҳарда оқиндини йиғадиган ва мавжуд коллектор тармоқлари орқали уни тозалашга юборадиган технологик схема ишлаб чиқилди. (ТАСС).

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ

ПРАГА. Совет Иттифоқи, Чехословакия ва ГДР атом электр станцияларини қуришда мустаҳкам ҳамжиҳатликда иш олиб бораётганликларининг қардош давлатлар энергетика базасини кенгайтиришдаги самарали ҳамкорлигининг намунасидир. Бу ерда уччала мамлакат ўртасида ГДРда қурилаётган «Норд» атом электр станцияси учун асбоб-ускуналар етказиб бериш тўғрисида битим имзоланганлиги ана шу ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашади. АЭС учун асбоб-ускуналар Пльзень шаҳридаги «Шкода» комбинатида ишлаб чиқарилади.

Бизлар Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги туфайли бундай мураккаб асбоб-ускуналарни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, деди ТАСС мухбирига Чехословакия атом энергияси комиссиясининг раиси Станислав Гавел. СССР бизларга техникавий ҳужжатлар тайёрлаб берди ва мутахассислар тайёрлашда кўмаклашди. Ҳозирги вақтда атом энергияси машинасозлиги Чехословакия экономикасининг муҳим тармоғи бўлиб қолди. Масалан, Пльзенда 440 мегаватт қувватли реактор ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари учун асбоб-ускуналар етказиб берш катдаги бошқа корхоналарнинг ишлаб чиқариш программасига ҳам киритилди.

ЧССР совет «Ш сислари билан ҳамкорликда 100 мегаватт қувватли реактор ишлаб малари ишлаб ришни ўзлаштиришга ришдик. Биринчи реактор келгуси йилликда Чехословакиянинг Жанубий қисмидаги «Темелин» электр станциясининг монтаж қилишда.

ДУНЁ ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

СОФИЯ. Болгариядаги Троян шаҳри корхоналарининг коллективлари «СССРга аталган маҳсулотларга — ишчи кафолати» деган шиор билан меҳнат қилмоқдалар. «Элпром» заводи ўз маҳсулотларини ҳар куни Совет Иттифоқига юбориб туради. Шу корхона маркаси қўйилган электр моторларидан Совет Иттифоқининг станкосозлари фойдаланмоқдалар. «Элпром» ишчилари қардош мамлакатдан ҳали бироита ҳам эътироз тушмаганлиги билан фахрланадилар.

Металл қирқувчи станоклар комбинати «Машстрой» ўз маҳсулотининг кўп қисмини СССРга юбориб туради. Улар Болгарияда социалистик революциянинг 40 йиллиги шарафига Совет Иттифоқига маҳсулотларни муддатидан бир ой илгари жўнатиб беришга қарор қилдилар.

* * *

ХАНОЙ. Хошимин порт ишчилари биринчи ярим йиллик план муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Улар беш ой ичида қарийб 850 минг тонна халқ хўжалик юкларини туширишдилар ва ортдилар. Ташқи савдо юкларини ортиш-тушириш ишларига биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Жанубий Вьетнамнинг денгиз қоқалари орқали ортиладиган ва тушириладиган бундай юклар муттасил кўпайиб бормоқда. Совет теплоходларининг порт причалларини графикдан барвақт тарк этиши қонда бўлиб қолди. Республика ичида ташиладиган юклар ҳам порт ишчиларининг доимий назоратида бўлади. Шу кунларда бу ердан Меконг дельтасида ўриб олинган янги ҳосил шолиси ортилган кемалар Шимолий Қутбга жўнамоқда. Мамлакатнинг шимолий қисмидан эса жанубга ўғит, қишлоқ хўжалик машина-ускуналари, кенг истеъмол моллари келмоқда.

* * *

КОБУЛ. Афғонистон Халқ Демократик партияси ва АДР ҳукумати меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Шу ҳафтанинг ўзидагина ишчи ва хизматчиларнинг юздан кўп оиласи Афғонистон пойтахтининг яқинда қурилган микрорайонидаги янги квартираларини олди.

Янги уйларни АДР уй-жой қурилишида етакчи корхона бўлмиш Кобул уйсозлик комбинати қурди. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий иштирокида қурилган комбинат илғор корхона бўлиб, меҳнат мусобақасида доимо фахрли ўринларни эгалламоқда. Комбинат ишга тушганидан бери Апрель инқилобига қадар 12 йил мобайнида унинг ёрдами билан 56 та уй-жой қурилди.

* * *

БРЮССЕЛЬ. Бельгия миллий мудофаа министрлиги ва ҳарбий-ҳаво кучларининг Флореннадаги базасида жойлашган АҚШ ҳарбий қисмлари қўмондонлиги Флоренна ва Филипвиль (Намюр вилояти) коммунал маъмурларига мурожаат этиб, Америка қўмондонлиги ихтиёрига яна 6 гектар ер ажратиб беришни талаб қилган.

Шу майдонда АҚШнинг бир қанча нафар ҳарбий хизматчиси учун уй-жойлар қурилиши мўлжалланади. Улар ерга етиб келган объектда ҳарбий объектларни қуриш ишларини бошлаш тўғрисидаги қарорни кутмоқдалар. Бельгия министрлигининг бу ҳаракатларини қаттиқ қоралаётганлиги ҳақида хабар қилмоқдалар.

МОДАДАН БИР ҚАДАМ ЎЗИБ

БУДАПЕШТ. Дьердаги «Грабопласт» сунъий чарм фабрикасининг меҳнаткашлари мода инжиқликлари изидан бормай, балки ундан бир қадам ўзиб кетиш зарур, деган шиорга амал қилиб ишламоқдалар. Корхона маҳсулотига чет эл буюртмалари фабриканинг қувватини тинмай оширмоқда.

Бизлар талабчан шерикларни хуш кўрамиз ва уларни излаймиз, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «Грабопласт» фабрикаси бош директорининг ўринбосари Антал Венес. Айни ана шундай шериклар маҳсулот сифатини оширишга кўмаклашадилар.

Совет Иттифоқи бизлар учун худди шундай шерикдир. Фабрикамиз Совет — Венгрия кооперацияси программасига мувофиқ тикувчилик ва пойафзал саноати учун материаллар, турли рангдаги пластмасса қоплаган автомобиль брезенти, ҳар уч «Лада» машинасидан бирининг ўриндиғига қоплама, ғоят пишиқ техник газламалар етказиб бермоқда. Ҳар йили «Грабопласт» Москвада ўзининг янги маҳсулотини намойиш қилади. Корхона мутахассислари харидорларнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан ўрганиб чиқади. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот турини янгилашда ҳеч иккилантирмай ҳисобга олинади.

Бизлар корхонанинг эришган ютуқларидан фахрланар эканмиз, Совет Иттифоқи ва Венгрия халқлари ўртасидаги дўстлик учун, узоқ йиллар давомида ҳам ҳеч қачон бир-биримизга бегубор дўстлик туйғуларидан бошқа ҳеч нарсани раво кўрмаслигимиз ҳақида ишончли равишда гапирдик.

* * *

БАЙРУТ. Ливан пойтахти ва унинг атрофларида зўравонликнинг барҳам топиши, мамлакатда қонун ва тартиб ўрнатилиши ҳақида ҳукуматга қарши ҳаракатга тортилган ҳарбий-сиёсий фитнанинг омадсизликка учраши Ливан ва Жанубий Ливан ҳудудларидаги конструкциялаш ишларини тезлаштириш имконини беради, деб ҳисоблайди Ливан мудофаа министри, ҳарбий ишлар бўйича давлат вазири Ж. Аттинг. Ливан армиясининг «Амал» ташкилоти ва Ливан социалистик партияси раҳбари Н. Берри ҳам шундай фикрда. Ливанда кенгаш, ярашув ва ҳамжиҳатлик ҳукмронлигини ўрнатиш учун ҳаракат қилаётган Ливан чайқалишлари учун масъул бўлган Ливан президенти Амин Жумайелнинг махсус агентлари Дамаскка келиб кўйди. Улар Ливан президентининг Сурия президенти Ҳофиз Асад билан учрашувини ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Ливан президентининг Ироқ ва Саудия Арабистонига ташрифлари ҳам кутилмоқда.

* * *

ЛИССАБОН. Португалия Республикаси Президенти Рамалью Эанеш Португалия ва Испания ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши ҳақида Испания Қироли Хуан Карлос I билан суҳбатлашди. Суҳбат давомида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши, Европа Иттифоқига Португалия ва Испания қўшилишининг муҳимлиги ҳақида фикр алмашилди.

«Тошкент оқшоми»га хатлар

КЎЧАЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Кўчамиз баҳор фаслида гулга бурканади, ёзда эса олча ва гилосларнинг қип-қизил ҳосилидан янада файзли бўлиб кетади. Ҳар бир ҳонадон уйлари атрофини саранжом-саришта бўлишини таъминлаб, эрталаб ва кечки пайт супуриб, сув сепишади.

Маҳалламиз меҳнаткашлари бу йилги баҳор фаслида ўтказилган ободонлаштириш ойлигида кўчаларининг янада кўркам бўлиши учун ғайрат кўрсатиб, кўплаб мевали дарахт кўчатлари ўтказишди. Дарахтларга шакл берилди. Мана бугун ана шу қилинган меҳнат туфайли унинг файзига янада файз қўшилди.

А. РАҲИМОВ,
Устабоев кўчаси, 217-уй.

ЙИҒИЛДИ-Ю, СОЧИЛДИ

Кейинги йилларда шаҳримизда макулатура қабул қиладиган пунктлар сони кўпайди. Бу яхши албатта. Лекин баъзи мактабларда йиғилаётган қоғозлар кўчаларга олиб чиқиб сочиб ташланаётганлиги жуда ёмон.

25 апрель куни Фрунзе районидаги 48-мактабда шундай воқеа содир бўлди. Эрталаб соат ўнларда прицепли катта машина келиб, унга мактаб ўқувчилари ўзларн тўпланган қоғозларни ортишди. Тўпланган қоғозлар машина кузови катта бўлишига қарамай тўлдирилди. Лекин ана шу машина тушки соат учларда ўша қоғозлар билан яна қайтиб келди. Ўқувчилар дарсдан қолишиб, машинадаги қоғозни ерга туширишди. Бу туширилган қоғозлар бирор хонага киритилмай ўша ернинг ўзида қолди. Ёш болалар томонидан эса Абдулла Қаҳҳор, Богдан Хмельницкий кўчаларига сочиб юборилди.

Ахир бу қоғозларни мактаб ўқувчиларн кечки пайт уйма-уй юриб тўплашган эди-ку! Нега энди баъзи ишёқмас, лоқайд хизматчилар ҳисобига ўқувчилар томонидан йиғилган қоғозлар сочиб юборилади!

Фрунзе район халқ маорифи бўлимидагилар бундай йиғилиб, кейин сочиб юборилладиган қоғозлар ҳақида нима дейишар экан!

М. ТУРҒУНОВ,
«Главташкентстрой»нинг 72-қурилиш бошқармаси ишчиси.

МАҚСАДГА МУВОФИҚ БЎЛАРДИ

Ҳозир ҳар бир маҳаллада маросимлар учун керак бўладиган идиш-товоқ, чойнак-пиёла ва бошқа асбоб-ускуналар бор. Ана шулар ичида ингичка руҳ чойнаклар ҳам учраб турадн. Маросим тугагач бу чойнаклар нарх-бери ювиладн, баъзан ичида шамаси билан қолиб кетади. Чойнак ичн нам бўлганлиги сабабли ўзидан ёмғ чиқариб, қўланса ҳид пайдо бўлади. Агарда чойнак яхшилаб чайиб ташланмасдан чой дамланса одамни роҳат қилади, саломатлиги учун зарар келтиришн мумкин.

Бундай чойнакдан фойдаланганда албатта қайноқ сувда чайиб ташлаб, сўнг чой дамлаш керак. Маҳаллий саноат корхоналарн томонидан ишлаб чиқарилаётган бундай чойнакларнинг сифатига катта эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлардн.

У. СОДИҚОВ,
пенсионер, Хондамир кўчаси, 22-уй.

НОН ДЎКОНИ ОЧИЛСА

1-Қорасув массивида яшовчиларга хизмат қилувчи озиқ-овқат магазинн бугунги кунда тобора кўпаяётган аҳолн эҳтиёжини тўла қондира олмаётир. Бунинг устига массивнинг 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49 ва бошқа уйларида истиқомат қилувчи кўп болали оналар, кексалар, ногиронлар нон олиш учун ҳам анча масофага қатнашга мажбур бўлишмоқда.

Яқинда 47-уйда жойлашган сартарошхона бошқа жойга кўчирилиб, бинo бўш қолди. Икки хонали собиқ сартарошхона ўрнида нон, қанд-курс, чой каби энг зарур маҳсулотлар билан хизмат қилувчи дўкон очилса айни муддао бўлар эди. Энди гап Тошкент шаҳар савдо бошқармасидаги ўртоқларда қолди.

Б. ШАРИПОВ.

САБАБИ НОМАЪЛУМ

Манжара кўчасидаги универмаг бурчагида «Союзпечать» киоскаси мунтазам ишлаб турган эди. Ҳозир чанг босиб ётган киоска мана уч ойдирки қандайдир сабабга кўра беркитиб қўйилди. Яқин ўртада ана шундай киоска йўқлиги учун ҳар кунги газета ва журналларни олишдан махруммиз.

Киоскани нима сабабдан ёпиб қўйишганини Ленин район «Союзпечать» агентлигидаги мутасаддн раҳбарлар айтиб беришар.

О. ОМИЛОВ,
У. МАЪРУПОВ,
жами 14 нмзо.

АСАББУЗАР ҲАЙДОВЧИ

20 апрелда «Ленинград» меҳмонхонаси олдидан ўтадиган 4-маршрутдаги 3051 рақамли троллейбусга чиқиб асабим бузилди. Чунки ҳайдовчи микрофондан тинмай гапирарди. Лекин салонда ҳеч нарсани тушунмб бўлмасди. Мен кабина ёнига келиб, товуш чиқариш аппарати яхши ишламаётганлигини ва кўпчилкнинг асабини бузаётганлигини айтган эдим, балога қолдим. Куракда турмайдиган сўзлар билан сўка кетдн.

Охирги бекатда тушиб, фамилиясини сўраган эдим, айтмади. Диспетчердан сўрадим, у қўлида ҳайдовчининг йўл варақаси бўла туриб фамилиясини билмайман деса бўладими!

Бу қандай ҳурматсизлик! Йўловчилар билан қўпол муомалада бўладиган, уларнинг иззат-нафсига тегадиган бундай ҳайдовчи ва диспетчерларнинг танобини тортиб, тилини қисқароқ қилиб қўядиганлар борми!!

Ж. ЮСУПОВ,
В. П. Чкалов номли авнацня ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС

Уймизнинг фойдаланишга топширилганига ўн йил бўлди. Шундан бери иситиш системаси яхши ишламаслиги натижасида қиш фаслида жуда жуда қийналамиз. Айниқса ўтган йили қишда жуда-жуда қийналиб кетдик. Трубалар ишдан чиқди, чирнганлари ёрилди, ертўланн сув босди. Бу ҳақда 55-уй-жойлардан фойдаланнш участкаси раҳбарларига бир неча маротаба мурожаат қилдик. Афсуски, иш ҳамон қандай бўлса, шундайлигича турибди.

Қаровсиз қолган система бу йил тузатилмаса қишда ҳолимиз нима кечади!

Т. ТЎЛАГАНОВ,
К. АБДУРАҲМОНОВ,
А. САМАТОВ ва бошқалар,
жами 10 нмзо.
«Марказ—14» квартали, 26-а» уй.



Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-филиали коллективи республикамиз юбилейини юксак кўрсаткичлар билан пешвоз олишга ҳаракат қилмоқда. Мастура Биясова ана шу филиалнинг илғор тўқувчиларидан саналади. У «Олтин қўллар» конкурсининг ғолибидир, 27 та ўрнига 32 та дастгоҳни бошқараётган меҳнат илғори ўзига бириктирилган план-топшириқларини муваффақият билан уддаламоқда.

СУРАТДА: М. Биясова.

Х. Мирзакаримов фотоси.


2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

Ўрол Тансиқбоевнинг 80 йиллигига

ОНА ТАБИАТНИНГ ХАССОС КУЙЧИСИ

Рассом уй-музейида

Тошкент шаҳрининг Чорсанцев массивида ўзларнинг ошиқларига қадрдон бўлиб қолган бир уй бор. Бешинчи нотерли ана шу уйда СССР Халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Ўрол Тансиқбоевнинг сўнгги йиллари кечган эди. 1966 йили зилзиладан кейин ҳукуматимиз қуриб бер-





ган мўъжазгина уйнинг ҳовлиси дарвозасидан ўрта бўй, қизил мағиздан келган чарпаҳил киши, ўта нозик табиатли, ижоди ҳамда илҳоми ҳамиша булоқдек жўшган, одими салмоқли инсон чиқиб келаётгандек туюлади назаримизда. У дастғоҳда турган Чорвоқ ГЭСи панорамасининг бир бўлаги ифодаланган эпик полотносига штрихлар қўшиш ниятида қадрдон бўлиб кетган қурилишга яна шошилаётгандек.

Рассом ғоят самарали ҳаёти давомида яратган эпик полотнолар, сюжетли картиналар, оламжаҳон этюдлар, қадрдон жиҳозлар ҳозир мана шу уйга жамланган. Она юртимиз дилбарлигини илҳом билан тасвирлаган бу бўёқли ҳикоялар, эпик достонларнинг сони олти юзтага етади. Нафосатнинг ранғсоз шоири Ўрол оғанинг беминнат хизмати, ўлмас ижоди ҳамиша қалблар тўрида. Рассомнинг ижодида катта бурилиш ясаган «Жонажон ўлка», етук санъаткорлигини кўз-кўз қилган «Ўзбекистонда март», оқшом палласининг лирик кайфияти куйланган «Тоғ қишлоғи. Оқшом», шунингдек «Олмаота қиши», «Фарғона водийси» сингари полотнолар сизни сеҳрлаб олади.

Уй-музейда санъаткорнинг шахсий ҳаётига доир ноёб буюмлар ҳам сақланади. Витриналарда Ўрол Тансиқбоевичнинг Ленин ордени, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлик шаҳодатномалари, Халқаро кўргазмаларнинг ҳамда СССР Бадиий академиясининг кумуш медаллари, Фахрий ёрлиқлари, нодир ҳужжатлар қўйилган.

Грузин ҳайкалтароши, профессор К. М. Мирабишвили бронзадан ишлаган асар ҳам эътиборингизни тортади.

Махсус жиҳозланган стендлардан санъаткорнинг иш пайтларида, дам олиш кезларида фотообъективга тушган мангу лаҳзалари— фотолавҳалар ўрин олган. Сиз уни турли даврларда, турли касбдаги дўстлари орасида кўрасиз. Мана у адиб Ойбек домла билан. Кейин эътиборингиз ўн икки жилдлик альбомга кўчади. Уларда санъаткорнинг серқирра ҳаёти ва жўшқин ижодига оид 2600 дан зиёд ҳужжатлар сақланмоқда.

Зинадан ўнгга бурилиб, юқорига кўтарила бошлагач зиёратчининг нигоҳи санъаткорнинг «Беруний» деб номланган портрет картинасига қадалади. Унда кашфиёт сеҳри билан барлиқни унутиб ишлаётган олим кўрсатилган. Орқа планда эса кўҳна шаҳар... Бу портретни яратиш учун рассом жуда кўп тарихий манбаларни ўрганди, берунийшунослар д а н маслаҳатлар олди. Буюк олим сиймосини ўзи қандай тасаввур қилган бўлса шундай ҳолатда яратди. Бу унинг тарихий саналарга ҳар доим ҳамоҳанг, ҳозиржавоб бўлишга интилганлигининг далилидир.

Бу қутлуғ уй мўйқалам усталари дўстона суҳбатларининг кўп марта шоҳиди бўлган. Николай



Томский, Михаил Аникушин, Аркадий Пластов, Екатерина Белашова, Дмитрий Шмаранов, Борис Веймарн сингари атоқли рассом ва санъатшунослар бу ерда меҳмон бўлишган.

Эл эъзозлаган мусаввирнинг ҳаёти ва ижодига доир асарлар билан танишиб бўлгач, манзара устасининг диди билан бунёдга келган жажжи боғчага чиқасиз. Бу ердаги дов-дарахт, гуллар унинг меҳри бидан парвариш топган. У ишлаган ток сўриси, унга таралган узум новдалари эндиликда яна ўзгача чирой олган. Рассом сўрининг тагига қурилган темир каравотда ўтириб чой ичиб ҳордиқ ёзишини хуш кўрарди.

Ҳозир, москвалик ҳайкалтарош Р. Амбарцумян меҳр кўрини бағишлаб яратган бюст бу ерда улуғ боғбонининг руҳини эслатиб турибди.

Нафосат гулшанидан яхши кайфият, эзгу ниятлар билан чиқасиз. Халқ муҳаббатига сазовор бўлган улуғ рассомнинг уй-музейи Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг филиали ҳисобланади. Гўзалликмухлисларига бағрини кенг очган уй-музей Ўрол Тансиқбоевнинг 80 йиллиги нишонланаётган айни кунларда ҳам санъат ишқибозлари билан гавжум. Улар бу ерга улуғ рассомнинг бетакрор санъатидан баҳраманд бўлиш учун, муҳаббат ва эҳтиромларини яна бир бор ифода этиш учун келадилар.

Ҳ. КАРИМОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: Ўрол Тансиқбоевнинг «Тоғ қишлоғи. Оқшом», «Ҳўжакент» картиналари.

В. Дубровский фотолари.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● **МОНИКА — ЖАСУР АЁЛ**

1910 йилн Р. Амундсен Жанубий қутбга тарихий сафарини бошлаган эди. 1985 йилнинг октябрида норвегиялик аёл Моника Кристенсен ўзининг ажойиб ҳамшаҳри бошлаган ишни давом эттирмоқчи. Қутб тадқиқотчиси олдида чанғи билан ғоят қийин шароитларда Антарктида бўйлаб 1300 километрлик йўлни босиш вазифаси турибди. Моникадан ташқари норвегиялик Б. Вульд ва икки инглиз тадқиқотчиси шу экспедицня составига кирган. Ҳалқ ёш бўлишига қарамай (Моника бор-йўғи 33 ёшда) у бир неча сафарларда актив иштирок этган.

Моника Ослодаги ва Тромсёдаги университетларни муваффақият билан тамомлаган. Унинг Арктика музейлиқлари қатламларини ўрганишга бағишланган докторлик диссертацняси кўпгина таниқли олимларнинг диққатини ўзига торган.

● **СОАТИГА 34 КИЛОМЕТР**

XV асрда яшаб, ижод этган Леонардо да Винчининг автомобиль яратиш устида кўп бош қотиргаилигни ҳаммага маълум. Аммо биринчи тезюрар аравининг моделн орадан юз йил ўтгандан кейин яратилди. Уни голланд олими Симон Стевин ихтиро этди. Шамол кучи ҳисобига ҳаракатга келувчи аравининг тезлиги соатига 34 километр бўлган.

● **ИШ ҚИДИРГАН... ПРОФЕССОР**

Германия Федератив Республикасининг матбуоти ва кўчаларидаги турли-туман эълонлар орасида энг кўп тарқалган «Иш қидираман» мазмунидаги эълонлардир. Ишсизлик ишчини ҳам, инженерни ҳам, ўқув юртини битиргану, профессорни... ҳам ҳеч аямас экан. Ҳа, бунга ажабланманг. Трир университетида 10 йил ишлаган собиқ филология профессори Вальтер Шенкер мушкул аҳволга тушиб қолганидан кейин «Тририше фольксфрайн» газетасига «Иш қидираман...» деган эълонни беришга мажбур бўлди. «Айфель» романининг муаллифи учун бундан бошқа илож қолмаган эди. Профессорнинг ҳаракатлари зое кетмади. Натижат, унинг эълонига Трир яқинидаги қишлоқ хўжалик фермаларидан бири акс-садо бериб, профессорни... деҳқончилик касбига таклиф этди.

● **ЭНГ МУҲИМИ — ЧЕКМАСЛИК КЕРАК**

Америкалик мутахассислар ўчирилмаган сигареталардан келиб чиқадиган ёнғинининг олдини олиш мақсадида хавфсиз сигареталар яратиш бўйича иш олиб боришмоқда. Уларнинг фикрича чекувчи қўлидан тушган сигарета шу заҳотиёқ ўчади.

ГФР фирмаларидан бири эса қоғозлар учун махсус саватчалар тайёрлаб чиқардн. Бундай саватчага ўчирилмаган сигарета ёки ёниб турган гугурт чўпи ташланса ҳам аланга ҳосил бўлмайди. Саватча ичида ёниб турган қоғоз туфайли унинг деворн қизийди ва ёнишга қарши газ ажратади.

Маълумки, аввало чекмаслик ёнғинининг олдини олишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу боисдан ёнғин ўчирувчилар ҳам, медик олимлар ҳам бу якдил фикрни жуда кўп такрорлашган.

● **НИНАСИЗ ТИКУВ МАШИНАСИ**

«Брансон соник пауэр» фирмаси (АҚШ) мутахассислари ниналсиз ва ипсиз тикадиган тикув машинасини яратдилар. Машина ультра товушлар тебранишида бор-йўғи бир минут ичида 15 метр синтетик материални тикади. Тикишнинг бу янги усули катта имкониятларни очади, ишлаб-чиқчак тайёрлаш жараёнини тезлаштиради ва арзонлаштиради.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

• Сиз бунга нима дейсиз?

ҚАНОТИ СИНГАН ОРЗУЛАР

Ахлоқ мавзуида

Меҳмонлар ташқари чиқишганда алла қоронғу тушно қўклам, илк ғубадаси этни жунжи Улар ҳозиргина ғудуздек ёритилган, ҳовлисига хонадан чиқ ларни учун ҳам бир ди кўзлари хиралашқидек бўлди. Купчи ган енгил кийинганлиги учун ўзини дарров енгил автомашиналар ғота олди. Зум ўтмай ғрофга ҳира нур со ган лампочка дирнинг ҳам ҳожати қолмади. «Волга-ю», «Жигули»ларнинг фа ларни ҳаммаёқни ча ғоғон қилиб юборди.

— Хайр —дейишди ишчилик меҳмонлар бобир билан Хурсанойга қўл узатишар экан, ранжиган сизларни олиб меҳмонхонамизга а н шоколатдамиз.

Эр-хотини ясама жилмайишди.

— Вой, сира хижолат бўлмангиз. Ьекат ўтиб қадам жойда, етиб қолмиз.

Собирнинг яхшигина ғайрати борлиги учун ҳовлисидаги меҳмонларни олган, ўз инженерлик иши, автобазадаги енгилчиклардан фарқ ғоғ-тошлоқ ғапирадиган Хурсаной эса сиртига ғоғоғи зархал нидан ғатирган сурати тикилган бежирим пантале ғини асфальтга оҳроз ғурғанларининг жимгина қилардилар.

Улар ярим чақиримча юришгач, Собир ғўхтаб, хотинининг ел ғаларидан ушлади-да ғолини ўзига қаратди:

— Нима, мазангиз ғўмадиптими? — сўра у. — Нега индамайсан?

— Ўзим... — деди Хурсаной, — ҳаёл су бораяпман-да.

Автобус яқинидагина ғетган экан шекилли, ўғаш жойида ҳеч ким кўринмас, вақт алмашал бўлиб қолганин кўчадан йўловчи машиналар ҳам ўта ғотмади. Собир эса ғмон ишонасида ўзи ғадирган рационализа ғорлик таклифининг ғайдаси ҳақида бери сўзларди.

ХурсаноЙнинг ҳаёли ға боғи туғилган кун ғовғотлари онлан

● Абдусаттор Хатамов — журналист. Ҳикоя ва очерклари, публицистик мақолалари республика матбуотида босилган. Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи мукофоти лауреати. Қашқадарё вилояти Қамаши район «Ленинизм» газетаси редакторининг ўринбосари.

банд эди. «Оддий бир слесарь шундай яшаяпти. Участкасини кўриб оғзингиз очилиб қолади. Кўчада деразасига қўл узатсангиз етмайди. Саройдек, саройдек хоналар, мебелларини айтмайсизми? Ичидаги чиниларни унча-мунча магазинидан топиб оулмайди. Биз жуда оечоғаҳол эканмиз-да. Ғағин эрим дипломли».

— Яхшиям менинг туғилган куним бўлган экан,— деб юборди уйга келишгач Хурсаной кийим алмаштира туриб, —уйимдагилар шу кўйлакни қилиб келишмаганда яланғоч қоларканманми?!

Собир костюмининг тугмаларини еча турио дастлаб хотинининг гапини англамади, кейин тушуниб қолди-да деди:

— Бу кунлар ҳам ўтиб кетар, Хурсан! Ойлигимни оширишади.

— Ўтиб кетгунча мен ҳам ўтиб бўламан!

Энди хотинининг гап оҳангидан зарда яққол сезилиб турарди.

— Наҳотки, шу оугун меҳмон кутган онгта слесардек бўлолмаймиз? Хотинини қаранг, кўгирчоқдек кийинтириб қўйибди. Мен бечорангинг эрим кимсан инженер. Эгнимдан бнтта кўйлак тушмайди. Ҳамма танишларим машинасига ўтириб кетса, мен бечора орталаридан тиржайиб қолаверараман.

— Бўлди!— бақириб юборди Собир бирдан. — Нима ўғирлик қилаймн? Ёки ҳаммаёққа дод солаймн?!

— Ўғирлик ҳам қилманг, дод ҳам солманг, тузукроқ пул топинг, вассалом. Билмасангиз, «Сервис»да ишлайдиган слесардан сўранг, айтиб беради.

Собир хотинининг ўзига тик қараб айтган бу гапидан гарангсираб қолди. Эшикни тарақлатиб ёпиб, кўчага чиқиб кетди.

Улар ёмон яшашмасди. Собирнинг автобазадан, Хурсанонинг боғча тарбиячилигидан топадиган пулларн уч юз сўмдан ошарди. Бунинг устига Хурсаной эрининг қаршилигига қарамай яқинларидаги қурилиш идорасида кечқурунлари фаррошлик қиларди. «Меҳнатнинг айби борми», — дерди у. — Ҳозир кўпроқ пул топиш керак».

Собир кўпинча ишдан келиб овқатга унмар, болалари онлан суҳбатлашишга ҳам вақт топади. Шу тариқа уй ишларининг маълум қисми, болалар тарбияси асосан унинг зиммасига юкланиб қолган эди. Бундан у сира хафа бўлмас, аксинча ғурғилаларининг меҳрини қозонаётгани, онла деган муқаддас даргоҳга зарур одамлиги учун бениҳоя мамнун эди.

Хурсаной тилла асбобга ўч аёл. Уч-тўрт ойлик маошини олар эди-да тилла узук еки зирак кўтариб келаверарди. «Нима қипти,— дерди у эрининг норозилик билан билдирган фикрига,— ўзим ишлаяпман, ўзим сотно оласпман. Эркакларнинг вазифаси — онла боқиш». Яна шундай ҳам бўлар эдики, Хурсаной ўзига яқинми, узоқми, имконият борми, йўқ ми бнронта утиришдан қолмасди. Ўзларникида ҳам икки кунниг бирида меҳмон. Ҳалиқариндошнинг келиннни чарлаш керак, ҳали туғилган кун.

Собир эрталаб кайфиятсиз уйғонди.

— Бугун дугонам Моҳира ҳовли туйи қиляпти. Совғага пул ташлаб кетинг, —деди Хурсаной.

Собир костюмининг ич чўнтагидан бнтта ўн сўмлик олиб, стол устига қўйди.

— Вой, бнниз етмаиди. — Хотини терс ўгирилиб олди. —Нима беради бунга?

— Тушликка олиб қолган пулимдан ошқа пул йўқ. Балки бугун маош беришар.

— Кечқурун бошимга ураманми маошингизни, одам!


Собирнинг ғазаон келсада, ўзини аранг тутиб турарди. Умид билан бир ёстиққа бош қўйган кишисн наҳотки уни тушунмаса. Наҳотки кечагина холасиникига бориш учун анчагина чиқимдор бўлганини, оугунги ҳовли тўйи шу уч беш кун ичида бешинчи знёфат эканини унутса?!

— Менга қаранг, — деди Хурсаной зарда билан. — Яхшисн шу ишингиздан бўшанг!

Собир бошқа ҳеч нарса демай, чойини ҳам ичмай ишга отланди. Ортидан хотини эшикни тарақлатиб ёпди: «Мулла Мисрнинг тнинми йўқ, қилган ишининг унуми йўқ».

Аслида Собирнинг иш унуми бор эди. Автобазада унинг тавсияси билан ишдан чиқан деталларни қайта тикловчи цех фойдаланишга топширилди. Бу корхонага йилига бир неча миг сўмлик маблағни тежаб қолиш имкони берарди. «Ўзимга ишонаман, — деб ўйларди у, — шаҳарма-шаҳар юришдан бўшамасам. Ҳар ҳолда эр-хотиндан бири болалар орасида кўпроқ бўлиши керак экан.

Навбатдаги рейсга



жўнар экан, дунё кўзига зеркарли, жўн кўриниб кетди, ўйлаган орзулари қаноти синган орзулар эканлигини ўйлади. Қизиқ, илгари оддий инженер бўлган пайтида, ҳозиргидан деярли уч ҳисса кам маош олиб юрган кезларида ҳаёт бошқача эди: ишга худди байрамга борадигандек жўнарди. Йўқ, гап мансабда эмас, қолаверса у инженерликка кўтарилгунча ҳам шофер бўлиб ишлаган эди. Кейин институтни битирди.

«КАМАЗ» қишлоқ йўллари бўйлаб ғизиллаб борар экан, Собирнинг қалбини ана шу каби йўллар қамраганди. Емони шуки болаларн ўзига нисбатан меҳрларини йўқотишди. Катта ўғли чекяпти. Хотини чайқовчилик қилмаяптимикин?

Шу пайт бирдан машина ортига қаттиқ бир нарса урилди. Шундай урилдики, Собир кабина эшигидан анча нарига, пўлат рельслар устига учиб тушди. Тепловознинг бўғиқ овозини эшитди...

Уч кундан кейин у ётган касалхонага хотини етиб келди. Собирнинг бинтга ўралмаган милтиллаган икки кўзигина қолган, оёғини кўтариб, аллақандай тош осиб қўйишганди. Хурсаной туни билан унинг тепасида ўтириб чиқди.

— Сув, — деди Собир беҳол тамланиб, —сув...

Хотини унинг лабига бир пиёла илиқ чой тутди. Бу пиёладаги чой Собирнинг кўзига негадир бир йилча муқаддам бўлган туғилган кундаги уй эгаси «шу қадахни фақат оилякка қараб қолмаслик учун ичайлик» деган кўтарилган арақдек туюлиб кетди...

Абдусаттор ХАТАМОВ.

РЕДАКЦИЯ Д А Н:

Ҳурматли оқшомхонлар! Сиз онла оахтини нимада деб ўйлайсиз? Хурсанойнинг ҳатти-ҳаракатларини қандай баҳолайсиз? Шу ҳақдаги фикрларингизни кутамиз!

Қардошларимиз ижодидан

ҚИЗҒАНЧИҚ ҚАЙНОТА ВА ЎЖАР КУЁВ

ҲАЖВИЯ

Қишлоғимиздаги ҳаддан ташқари қизғанчиқ одам —Харуноға якка ягона қизини турмушга узатди.

Дастурхонни уйиб ташламади ҳам, аммо меҳмонлар бир-бирлари билан ким ўзарга ўйнашгандай ёш келин-куёв олдига қимматбаҳо буюмларини тўкиб ташлашди.

Шу пайт Харуноға ҳам тўлиб-тошиб кетдими келин-куёв олдига қафаси билан каттагина куркани олиб келдида:

— Куёвтўра, сенинг бойлигинг ошиб, мана шу катта куркадай улкан бўлсин,— деди.

Тўй ўтганига ҳали бир ой ўтар-ўтмас Харуноғанинг уйига куёви Сураман кирио келди.

— Мен қизингиз билай яшай олмайман,— деди у қизишиб.

— Тўхта куёв, қизишма, нима гап ўзи, бундай тушунтириброқ гапирсанг-чи!

— Нимасини тушунтиради! Ўзингизга маълумки, тўйимиздан сўнг қишлоқдагилар н и н г ҳаммаси устимиздан кулиб, масхара қилиб юришибди. Ҳамма ҳозир мени «қайлиқчакуркача» лақаби билан чақиришадиган бўлиб қолди. Ўша куркани ўтган ҳафта сўйдик. Лўнда қилиб айтганда қимматли қайнотам, аниқроғи, собиқ қайнотам, ажралишимизга тўғри келади.

Харуннинг оёқ-қўлига титроқ кирди.

— Бунчалар қаттиқ кетма! Аввалам бор муҳокама қилайлик, фикрлашайлик, ўша куркани яхшиси унутайлик! Сенга қатталиги бузоқдай келадиган бир қўй совға қиламан.

— Қўй? Кераги йўқ! Ҳамон гапи ўша, битта қўйверасиз.

Сигирдай бўлса ҳам олмайман! Энди Сураман— қўй деган лақаб етишмай турувди. Айтгандай, сигир деганингиздай қизингиз ҳар куни нонуштада ширчой талаб қиладиган бўлиб қолди...

Марсель САЛИМОВ,
Бошқирдистон АССР.

— Оббо лаънати,— деди Харуноға, ростданам қизини койиётган бўлиб.—Илгаридаги сут қўшилган чойни лабига ҳам тегизмасди, турмуш қурдилару ширчой ичадиган бўлиб қолибдиларми? Майли куёв тўра, хафа бўлавермай, ана сигиримни етаклаб кетавер. Бу менинг совғам деб биласан.

Сигирдан ажралиш шунчаки осон иш эмас. Лекин Харуноға: «Улар аҳилликда яшаб, мени тинч қўйишса бўлганн!»— дея ўзига тасалли берарди.

Аммо унинг умидлари пучга чиқди. Ўжар куёв қовоқ-тумшуғини осилтирганча яна қайнотасиникига кириб келди.

—Мен бунақанги хотин билан яшай олмайман. На кундуз ва на кечаси тинчлик бор. Ҳамон гапи ўша, битта гап. Биласизми, пиёда юргани уялармишлар. «Қўшниларимиз киноға ҳам ўзларининг машиналарида боришади», дейди қизингиз. Бундай қилиб яшаб бўлмайди. Ажралишаман! Машинаси бор

—Тоқатим тоқ бўлди!— дея қичқирди у остонага кирар-кирмас. Сигирингизни ҳам, машинангизни ҳам, қизингизни ҳам олиб келинг. Етар! Бўлди, вассалом!

Харуноғанинг ҳам тоқати-тоқ бўлди, шекилли:

— Бас, куёв! —дея қичқирди у ўзини аранг босиб. — Сенга яна нима керак?!

— Менга ҳеч нарсангиз керак эмас. Ана қизингиз бўлса менинг кичкина каталак уйимда яшашни хоҳламаяпти. У уйга сиғмаяпти. Бола кутяпти.

Харуннинг овози бирданига мулойим бўлиб қолди:

— Бола? Демак, мен набиралик бўларканман-да?

— Ташвишланманг, алиментини бирдай тўлаб турaман.

— Вой, шайтон-ей! Менинг набирамни етим қолдирмоқчимис а н ? Сенга кўрсатиб қўяман... Шу пайт Харуноға куёвга жаҳл билан ташланди-ю, лекин ҳушини йиғиб олди-да, қўлини силкаб қўя қолди.

— Биласанми, куёвтўра, сизлар бизникига, бизлар эса сизларникига кўчиб ўта қолайлик. Биз қариялларга данғиллама уйнинг нима кераги бор?

Ёш эр-хотинни мажбур қилиб ўтиришмади, улар ўша замоннинг ўзидаёқ ота-оналарининг катта уйига кўчиб киришди, янги уйнинг остонасига қадам қўйган Сураман хотинига деди:

— Менинг қайнотамни қизғанчиқ одам деб ким айтади?

Русчадан
Т. УНАБОЕВ
таржимаси.

ҲАВО ЯНАДА ТОЗА БЎЛДИ

«СредазНИИпроцветмет» институтининг коллективи юқори даражали фильтр ишлаб чиқди. У металлургия ишлаб чиқаришида атмосферага чиқариладиган зарарли танланд ияларни камайтириш учун қўлланилади. Уни қўлланишдан олинган иқтисодий самара Қадамжой сурма комбинатининг ўзидагина йилига 125 минг сўмни ташкил этди. Бу янгилик атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид энг яхши мослама сифатида СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг тўртта медалига сазовор бўлди.



ЖОНАЖОН ВАТАН БУЙЛАБ

ҚОЗОҒИСТОН ССР. «Джамбулводстрой» трестининг 46-механизация пашган кўчма колоннаси гидроқурувчилари социалистик мажбуриятларини бажардилар. «Бозорбог» магистрал каналининг 6,5 километрлик участкаси муддатидан илгари ишга туширилди.

СУРАТДА: канал трассасида. Механизацнялашган кўчма колонна прорабн М. Жумадилов бетон ўзан профилини назорат қилмоқда.

Сўнгги йилларда Ноқоратупроқ ерларда янги қишлоқлар, корхоналар, чорвачилик комплексларн пайдо бўлди.

Шчекино районидаги «Лазаревский» совхозида Тула областида энг катта чўчқачилик комплекси қурилди. Бу ерда ҳар йили 108 минг бош чўчқа бўрдоқига боқиладн.

СУРАТДА: автоматлаштирилган озуқа тайёрлаш цехида.

ТАСС фотохроникаси.

• *Сўнмас у кунлар шуҳрати*

АЛОҚАЧИНИНГ БАХТИ

—Отам билан онам ғарак аср ҳам бахтли ғат кечиролмади. ғоғ йиллар унутилиб, ғоғатли турмуш ғатнини энди сурамиз, ға турган бир пайтда ғатни фашистлар она ғоғизимизга бостириб ғди. Бегубор осмо ғасини қора булут ғлади. Эр йигитлар ғалди бўлиб, Ватан ғасига отланди. Бу Ватан. Она-юрт даъ ғати эди. Отам ҳам жангга отланди. Онам қўлида уч фарзанд қолдик. Бунинг устига укам Рихсивойнинг туғилган ойида отам ҳақида «қора хат» олдик. Қалбим пора бўлди, озғин ва пакана эдим. Ҳарбий комиссариатдагилар фронтга юбормаймиз, дейишди. Мен оёқ тираб туриб олдим. Охири, 1942 йилнинг декабрида фронтга жўнадим.

Ойим кўзларида шашқатор ёш билан кузатиб қолар эканлар: «Болам, отанг учун немислардан қасос ол» дедилар. Уруш... Унинг ер юзида номи бутунлай ўчсин! Уруш даҳшатини унутиб бўлмайди. Унинг айбдори фашистлар,—дейди афсус ва надомат билан собиқ алоқачи жангчи Қосим Холматов.

Моҳир алоқачи жангчи Қ. Холматов Ленинград — Москва оралиғидаги давлат аҳамиятига молик бўлган қишлоқ ва шаҳарларда алоқани йўлга қўйишда мардлик ва матонат кўрсатди. Муҳим вазифани бажараётган пайтда жароҳатланиб, ҳарбий госпиталга тушди. Икки ойда жароҳати тузалгач, уни Ленинграддаги донгдор «Красний треугольник», яъни резина-техника буюмлари заводига ишга юборишди. Бу юк Ғалабани ана шу заводда ишлаб юрган бир пайтда зўр шодиёна билан кутиб олди.

Қ. Холматовнинг меҳнат биографияси ҳам қизиқ. Тошкент Давлат университетини битиргач гидролог бўлиб ишлади. Сирдарё оқимини қайиқда, Амударёни катерда, Ғўпалангдарёни, Қашқадарёни отда айланиб ўргаииб чиқди. Обь ва Иртиш дарёлари гидрологиясини ўрганишда қатнашди. Қуйи Обь гидроузели лойиҳасини тузишда актив иштирок этди.

Қ. Холматовнинг онаси Ҳамробуви ҳаётлар. Ая ўғилларидан минг бор розн. Ахир, фарзандлар ота амалга оширолмаган ишларни давом эттиряпти. Қосим аканинг уч, тўҳирининг тўрт, Рихсивойнинг ҳам 4 фарзанди бор. Уч ўғил, учта келин, 11 набира Ҳамробувининг қўш қанотлари. Аянинг бахти, Советлар оиласи, унинг тинч, фаровонлигида.

И. РУЗИЕВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

12 ИЮНЬ, 1984 й.

ТОШКЕНТ ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА
14 ИЮНЬ СОАТ 20.00 да
М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА:
«КУЛГИ ҚИРГАН УЙГА, ҚАЙҒУ ҚИРМАГАЙ»
САТИРА ВА ЮМОР ЭСТРАДА ТОМОШАСИ
(икки бўлимда)
Сценарий муаллифлари: Ҳайдарали УЗОҚОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:
Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЕЕВ, Малика ШАРИПОВА, Розия НАЗАРОВА, Санобар РАҲИМОВА, Ўсар ЮСУПОВ, Қурбонали ТИЛЛАЕВ, Насиба ЭСОНОВА, Валентина ПАШКОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Мусика раҳбари — Мирсалим МУҲАММАДЖОНОВ.
Программани Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг
ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ
1984-1985 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:
8-йиллик маълумот билан: КИТОБ САВДОСИ ТОВАРШУНОСЛИГИ, ПОЛИГРАФИЯ МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:
Ўрта маълумот билан: китоб савдоси товаршунослиги, полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш, ҳарф териш технологияси.

ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:
8-йиллик маълумот билан I курсга кириш учун: **она тили** (диктант), **математика** (оғзаки);
ўрта маълумот билан II курсга кириш учун (10-11 синф ҳажмида): **она тили ва адабиёт** (иншо), **математика** (оғзаки).
ЭСЛАТМА: китоб товаршунослиги мутахассислиги бўйича II курсга кирувчилар математика ўрнига тарих фанидан имтиҳон топширадилар.
Қабул қилинган ўқувчилар умумий асосда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.
Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.
АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА (ўрта маълумотлилардан 14 августгача) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, ўқувчилар сафига қабул қилиш 21 августдан 25 августгача ўтказилади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-«а» уй (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 1, 2, 4, 7, 8, 18, 14-троллейбуслар; 28, 42, 64, 65-автобусларнинг «Марказий телеграф» бекати).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

контролёр-кассирлар тайёрлайдиган
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ва озиқ-овқат молларининг кичик сотувчиларини тайёрлайдиган
4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар ва йигитлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.
Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.
«Ёшлик» мактаб-магазинини тўғатганлар йирик магазинларга ишга йўлланма билан юборилади ва уларга Совет савдоси техникумининг кечки бўлимига кириб ўқишлари учун имтиёзлар берилади.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 2, 3, 22, 39, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). 55-75-15 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА
йигирувчилар, лентачилар, калаваловчилар, тўқувчилар, ўровчилар, электромонтёрлар, газламаларни ўраб тўпловчилар, слесарь-сантехниклар, оқартирувчилар, тайёр маҳсулотлар сифати бўйича контролёрлар, йигирув ва тўқув ишлаб чиқариши мастерларининг ёрдамчилари.
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.
КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
бўёқчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, ғишт терувчилар.
ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
экскаваторчи, труба ётқизувчи, автокран машинистлари, трактор чилар, компрессорчи автослесарлар, экскаватор ва труба ётқизувчи, машиналар ремонти бўйича слесарлар, газ-электр пайвандчилар.
ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
социалистик мусобақани ташкил этиш бўйича инженер, бухгалтерлар, таъминот бўлими бошлиғи, товаршунос, ёнилғи-мойлаш материаллари учёти бўйича катта техник, диспетчерлар, 1, 2, 3-классли ҳайдовчилар, автослесарлар.
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
бош бухгалтер, бухгалтер, ОТК бошлиғи ўринбосари, инженерлар: нормаловчи, конструктор, технолог, экономист, химик, программист, электроника, ихтиролар ва рационализациялаш бюроси; **моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи ўринбосари, товаршунос, омбор мудири, граждан мудофааси бошлиғи.**
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИГА
«Е» категориялн 1, 2 класс ҳайдовчилари.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Марке кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

Агарда сиз сафарга бораётганингизда ўзингиз билан бирга фотоаппаратни ола кетсангиз, дам олиш чоғида юз берадиган ва сизни мафтун этадиган гўзал манзаралар ва воқеаларни фотоальбом саҳифаларида баркамол акс эттириб қолган бўласиз.

«СИЛУЭТ — ЭЛЕКТРО» аппарати суратларнинг сифати тўғрисида ўзи ғамхўрлик қилади.

Ундаги видержка ўрнатилган махсус электронли қурилма ўзи созлайди, сиз эса ижодий изланиш учун чекланмаган имкониятларга эга бўласиз.

«ОРИОН—ЕЕ» — плёнканинг сезувчанлигига қараб керакли диаффрагмани ўзи мослайди.

У жуда қисқа дақиқанинг ўзида об-ҳавонинг ўзгариши ёки ёритишнинг энг кичик ўзгаришини ҳам созлаб боради, суратларнинг аъло сифатли бўлишини таъминлайди.

«СИЛУЭТ — ЭЛЕКТРО», «ОРИОН—ЕЕ» фотоаппаратларини Бош универсал магазинларидан сотиб олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, 21-уй (18, 28, 31, 43, 46, 64, 91-автобуслар; 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 15, 16-трамвайлар; 9, 13, 20, 22-маршрут таксиларининг «ГУМ» ва «Хадра» бекатлари.

ГУМ ҳар куни соат 9 дан 21.00 гача ишлайди.





РАНГ-БАРАНГ СУМКАЛАР КЕРАК!

ОДАТДА ҲАР БИР КИШИГА
ТЕАТРГА БОРИШ УЧУН ҲАШАМДОР,
ИШ УЧУН ҲАР КУНИ ИШЛАТИЛАДИГАН,
САФАРЛАР ВА СПОРТ СУМКАЛАРИ КЕРАК БЎЛАДИ.

ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА
(Охунбобоев майдони, 21-уй)
15—17 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН САВДО-КЎРГАЗМАСИДА

ҳар хил моделдаги, **ранг-баранг бўлган сунъий чарм ва тўқимачилик матоларидан ишланган сумкалар, чамадонлар, «визитка»лар, дипломатлар, ҳамёнлар, косметичкалар сотувга кенг қўламда қўйилади.**

ГУМ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 21.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ (18, 28, 31, 43, 46, 64, 91-автобуслар; 8, 18-троллейбусларнинг «ГУМ» бекати, 8, 7, 11, 15, 16-трамвайларнинг «Хадра» бекати; 9, 13, 20, 22-маршрут таксиларининг «ГУМ» бекати).

ГУМ (телефон 42-27-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

сешанба

12 ИЮНЬ

● МТ I
18.10 «Фиеста Филиппина» ансамблининг концерти (Филиппин).
18.40 «Меъморлик ҳақида монолог». Телефильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар.
19.50 «Фан ва турмуш».
20.25 «Берлиоз ҳаёти». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. Франция ва СССРнинг Венгрия ҳамда Канада иштирокидаги маҳсулоти.
21.30 «Время».
22.15 «Олам кинокамера кўзгусида».
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 «Балерина Кунакова». Фильм-концерт премьераси.

● МТ II
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 — 20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.50 Халқ куйлари.
21.00 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.15 «Жонгинам» Телевизион бадиий фильм.
23.30 «Тасвирий санъат». Шарҳ.

● ЎзТВ I
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Ёзувчилар — болаларга». Ҳожиакбар Шайхов.
19.00 «Миллионлар ленинча университети». Партия ва иқтисодий таълим системасида ўқув йилининг якунларига доир.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Анъаналар ва замонавийлик». «Баҳор байрами».
20.10 «Авлиё ниқоби остида». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Қорақалпоғистоннинг пахта далаларида».
22.30 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 —18.35 «Заргар». Телефильм.
19.05 «Кекса авлод». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Тадас Блинда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
21.30 МТ II

чоршанба

13 ИЮНЬ

● МТ I
9.00 «Время».
9.50 Мультфильмлар.
10.20 Е. Школьникова куйлайди.
10.35 «Саёҳатчилар клуби».
11.35 «Берлиоз ҳаёти». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.30 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари.
16.15 «Россия тароналари».
17.05 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.35 «Паровоз». Очерк.
17.55 Д. Шостакович. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
18.25 «Расмларда қўёш акси бор».
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «ХХ аср салб юришн қатнашчилари». Телефильм.
20.45 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Сенинг изланишларинг, театр...».
22.40 «Джаз панорамаси».
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 «Спорт ҳафталиги».

● МТ II
9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Телефильм.
9.50 «Жонгинам». Телевизион бадиий фильм.
11.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 Мультфильм.
12.10 «Оила ва мактаб».
12.40—13.50 Болалар учун фильм. «Ўтлоқдаги нонушта». 2-серия.
14.20 «Сен қонунни биласанми?».
15.05 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти.
16.15 «Табиат ҳавф остида». Илмий-оммабоп фильм.
17.00 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 Ҳужжатли фильм.
19.30—20.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.45 «Хореографик фантазия».
21.30 «Время».
22.05 «Бир вақтда ўйналадиган сеанс». Телевизион бадиий фильм.
23.10 «СССР халқ артисти Б. Ливанов». Телефильм.

● ЎзТВ I
10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильмлар: «Салом, Ральф!», «Болалар заставаси».
11.00 «Болалик — бу камалаклар бўйи» (рус.).
11.30 «Дўстим Колька». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.30 «Тенгдошларинг ижодидан».
19.00 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». Самарқанд лифтсозлик заводи (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Тараққийпарвар жаҳон адабиёти». Яннис Рицос. «Озодлик — онамиз!»
20.30 «Ахборот».
20.50 Тошкент асбобсозлик заводининг «Хоран» ансамбли ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II
9.00—17.00 МТ II.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15—18.45 «Рус тили — халқларнинг дўстлик ва қардошлик тили» (рус.).
19.15 «Салор узра нилуфарлар гулламоқда». Телефильм.
19.35 «Ким бўлсам экан?».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Озиқ-овқат программаси амалда».
20.50 «Саҳро палитраси», «Биз — Руставиданмиз». Телефильмлар.
21.30 МТ II.

«БИЛИМЛАР УЙИ»ДА
(Киров кўчаси, 24-уй)
15 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА
Ўзбекистон давлат филармониясининг солисти
ШЕРҚУЗИ ҒОЗИЕВ ВА «ХАНДА» АНСАМБЛИ БИЛАН
ИЖОДИЙ УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛАДИ
Бу ижодий учрашув «Ўзбекистон санъат усталари— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига» циклини давом эттиради.

СССР Транспорт қурилиши министрлиги
БУТУНИТТИФОҚ ДАВЛАТ ЙЎЛЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Катта ва кичик илмий ходимлар: тошли материаллар ва тупроқларни мустаҳкамлаш лабораториясига.
Конкурс муддати — 20 июнгача.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700041, Тошкент шаҳри, Морозов кўчаси, 49-уй. Телефонлар: 62-68-82, 62-62-12.

«Ташхлебторг»нинг 69-магазинига берилган йўқолган
ШТАМП
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг лектории катта илмий ходими биология фанлари номзоди Ш. Ғ. Ғаниева отаси
Ғафур
ҒАНИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
12 ИЮНЬ, 1984 й. Р—08253.
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10